

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМОНҚУЛОВА НАРГИЗА ҒОФУРОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎТКИР БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДАГИ ЖИГАРНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.02-Морфология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Рахмонқулова Наргиза Гофуровна

Экспериментал ўткир буйрак зарарланишида ҳомиладорлик
давридаги жигарнинг морфологик ва морфометрик
кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи.....3

Рахмонкулова Наргиза Гафуровна

Сравнительная характеристика морфологических и
морфометрических показателей печени при экспериментальном
остром поражении почек во время беременности.....25

Rakhmonkulova Nargiza Gafurovna

Comparative characteristics of morphological and morphometric
parameters of the liver during pregnancy in experimental acute kidney
damage.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work.....50

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХМОНҚУЛОВА НАРГИЗА ҒОФУРОВНА

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎТКИР БУЙРАК ЗАРАРЛАНИШИДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДАГИ ЖИГАРНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

14.00.02-Морфология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/Tib5794 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Хасанова Дилноза Ахраровна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Туксанова Дилбар Исматовна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Хамидулла Абдуллаевич-Тошкент
Давлат тиббиёт институти, кафедра
мудир, тиббиёт фанлар доктори, профессор

Иванова Оксана Юрьевна -Курск давлат тиббиёт
университети акушерлик ва гинекология
кафедраси мудир, тиббиёт фанлар
доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон қўчаси, 23 уй. Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон қўчаси, 23 уй. Веб-саҳифа: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.К.Дустова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий

кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

А.Р.Облокулов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш асосидаги бир марталик илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати: Дунё бўйлаб сўнгги ўн йилликда ҳомиладорлик давридаги ўткир буйрак етишмовчилиги ва унинг жигар морфологик ҳамда морфометрик кўрсаткичларига таъсири йирик илмий марказлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Гистологик таҳлилларда гепатоцит дистрофияси, вакуолизация, некроз ўчоқлари ва синусоидал бузилишлар қайд этилган, морфометрия тадқиқотлари эса жигар кўрсаткичлари ва ядро-цитоплазма нисбатида сезиларли ўзгаришларни аниқлаган. Бироқ клиник маълумотлар чекланганлиги ва стандартлаштирилган морфометрия маркерларининг йўқлиги глобал муаммо сифатида қолмоқда. Ечим сифатида халқаро илмий ҳамкорлик доирасида тадқиқотлар ўтказиш, гематологик, гемостазиологик ва биокимёвий ва морфометрик кўрсаткичларини интеграция қилган прогноз алгоритмлар ишлаб чиқиш, шунингдек, терапевтик ва акушерлик стратегияларини халқаро протоколлар асосида стандартлаштириш йўналишлари белгиланмоқда. Бугунги кунга келиб «...замонавий нефрология, урология соҳасида буйрак трансплантациясининг жадал ривожланиши морфологларнинг буйрак тузилиши ва сийдик айириш тизимининг муҳим аъзоси сифатида ўрганишга бўлган қизиқиши доимий равишда ортиб бормоқда...»¹.

Дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, буйрак ва жигар етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёллар орасида ҳомиладорлик ва туғруқ вақтида асоратларнинг кўплиги ўз навбатида ушбу асоратларни эрта ташхислаш ва башоратлаш мақсадида гематологик, гемостазиологик ва биокимёвий ва морфометрик кўрсаткичларини ўрганишни тақозо этади. Бундай изланишлар орқали патологик жараёнларнинг моҳияти ва динамикаси чуқур таҳлил қилиниб, клиник амалиётда асоратлар хавфини баҳолаш, шунингдек, эрта ташхис ва самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун илмий асос яратилади.

Республикада аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш ҳамда уларни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш, фертил ёшдаги ва ҳомиладор аёллар ўртасида учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш, асосий касалликлар асоратларини камайтириш йўналишида қатор ислохотлар ва илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган

¹ Фастова О. Н. Гистоморфометрические параметры проксимальных извитых канальцев почек крыс различных возрастных групп на фоне ингаляционного воздействия толуола с применением корректоров // Проблемы экологической та медичної генетики і клінічної імунології: збірник наукових праць. - 2014. - Випуск 6 (126). - С. 50-57.

ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва Фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларни гематологик, гемостазиологик ва биокимёвий ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолашга йўналтирилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Дунё олимлари томонидан ҳомиладорлик давридаги ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги, ушбу органларнинг морфологик ҳамда морфометрик кўрсаткичларига таъсири қатор йирик илмий марказлар томонидан ўрганилмоқда. HELLP синдроми, тромботик микроангиопатиялар ҳамда ҳомиладорликнинг ўткир ёғли жигар касаллиги сингари фақат ҳомиладорлик даврига хос бўлган патологик ҳолатлар ўз вақтида аниқланмаган тақдирда, клиник

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги "2022-2026 йилларда оналик ва болаликни кучайтириш тўғрисида"ги ПҚ-216-сон қарори

ҳолатнинг кескин ёмонлашуви ва оғир асоратларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин (Luca Piscitani ., et all., 2025).

Ҳомиладорлик даврида ўткир жигар етишмовчилигининг ташхислаш ва даволаш жараёни ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқаради, чунки бу ҳолат ҳомиладор беморларда тезкор ва кенг қамровли клиник баҳолашни талаб қилади. Ҳомиладорлик билан боғлиқ гормонал ва метаболик ўзгаришлар ҳамда илгари аниқланмаган жигар касалликларини юзага чиқиши ёки махсус клиник ҳолатларнинг пайдо бўлиши, ўткир буйрак ва жигар етишмовчилигининг ташхисини янада мураккаблаштиради. Ҳомиладорлик даврида ўткир жигар етишмовчилиги диагностика ва даволаш нуқтаи назаридан мураккаб ва шошилиш тиббий ҳолат ҳисобланади. Ушбу касалликнинг тез ривожланиши ва юқори ҳаётий хавфи сабабли, симптомларни эрта аниқлаш, кенг қамровли диагностик текширувлар ўтказиш ҳамда тезкор, кўп тармоқли терапевтик ёндашувларни қўллаш она ва ҳомиланинг клиник натижаларини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Paulina B., et all., 2025).

Ўткир буйрак етишмовчилигининг энг кўп учрайдиган сабаби нормал ва аномал жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши натижасида қон йўқотиш бўлган. Буйракларнинг филтратсион, концентрацион, реабсорбсион ва осмотик функцияларининг функционал тикланиш муддатларини тезлаштириш учун гомеостазни адекват ва ўз вақтида коррекциялаш зарур (Мамбетов К. Н. ва ҳаммуал., 2025).

Мамлакатимизда ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Антиоксидант терапия оксидатив стресс кўрсаткичларини пасайтиради ва нефрон функцияларини тиклайди (Ходжиев Ш.Х. ва ҳаммуал., 2019). Жигар ва буйрак етишмовчилиги ҳомиладорлик даврида энг жиддий ва хавфли асоратларидан бири бўлиб, организмнинг детоксикацион, метаболик ва гомеостатик тизимларининг тўлиқ ишдан чиқишига сабаб бўлади. Энергетик ичимлик таъсирида буйрак нефронларидаги филтрация жараёнларини бузилиши оқибатида қонда мочевина, креатинин ва сийдик кислота миқдорининг ошиши ва бу кўрсаткичлар қовоқ уруғи мойининг коррекциясидан сўнг назорат гуруҳига яқинлашганлигини қовоқ уруғи мойининг антиоксидант ва яллиғланишга қарши самарали ҳимоявий ролини ўрганилган (Алимова Ш.А., 2025).

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ҳомиладор аёллар орасида жигар ва буйрак касалликлар билан касалланиш ортмоқда, ваҳоланки, хавф омилларини аниқлаш ва касаллик асоратларни эрта ташхислаш етарлича ўрганилганида, улар ёрдамида ҳомиладор аёлларда содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб асоратларнинг олдини олиш имкони бўлар эди. Шу боис, ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб бориш муҳим ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (11.2025 PhD 240) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўткир буйрак етишмовчилиги фонида жигарда юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни оқ зотсиз ҳомиладор каламушларда ўтказилган экспериментал текширувлар асосида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорлик давридаги оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини соғлом оқ зотсиз каламуш кўрсаткичлари билан қиёсий таҳлилини ўрганиш;

ҳомиладорлик давридаги оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфологик ва морфометрик параметрларини экспериментал ўткир буйрак зарарланиши даврида ўзгаришларни аниқлаш;

ҳомиладор каламушларда экспериментал ўткир буйрак зарарланиши натижасида юзага келган жигардаги ўзгаришларни Жуйзар сувлари билан даволашнинг самарадорлигини баҳолашда морфометрик ўзгаришларнинг қиёсий тавсифини баҳолаш;

ҳомиладорлик патологияси асосида буйрак ва жигар етишмовчилиги юзага келган аёлларда клиник-диагностик ва морфологик текширув натижалари ва унинг экспериментал текширувлар билан қиёсий таҳлилини ўрганиш.

Тадқиқот объекти: сифатида 6 ойлик эспериментал буйрак етишмовчилиги чақирилган 60 та оқ зотсиз каламушлар ҳамда 2020–2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиалига мурожаат қилган 20 нафар оғир преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар, жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган 40 нафар ҳомиладор аёллар, назорат гуруҳида эса ҳомиладорлиги физиологик кечган 20 нафар аёллар киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатория ҳайвонлари жигар ва буйрагининг гистологик материаллари, ҳомиладор аёллар қон намуналари ўрганилган.

Тадқиқот усуллари.Тадқиқотда морфологик, морфометрик, доплерометрик, лаборатор ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор экспериментал буйрак зарарланишида интакт оқ

зотсиз каламуш жигарининг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилганда гепатоцитларнинг ўлчами катталашганлиги, бунинг натижасида ядролар ва цитоплазма ҳажмининг кенгайганлиги, портал вена диаметри ва артериялар ўлчами ошганлиги исботланган;

биринчи марта оқ зотсиз каламушлар жигарининг экспериментал ўткир буйрак зарарланишлари фонида кечаётган ҳомиладорликка боғлиқ ўзгаришлар, яъни жигар ҳужайралари ўрнида ёғ томчиларининг йиғилиши ва тарқалиши, компенсатор жараён юзага келиши оқибатида кўпайиши намоён бўлгани аниқланган;

илк бор ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигарининг экспериментал ўткир буйрак зарарланишида Жўйзар суви даво мақсадида қўлланилгандан кейин, эксперимент гуруҳида жигар морфометрик кўрсаткичларига нисбатан меъерий ҳолатга яқинлашганлиги исботланган;

биринчи марта ҳомиладорлик патологиялари асосида аёлларда юзага келган буйрак ва жигар етишмовчилигининг клиник текширув натижалари, жигар ва буйрак етишмовчилигининг экспериментал текширувлари билан қиёсий таҳлил қилинганда, ўзгаришларнинг барчаси органларда қон айланиш бузилиши ва тарқалган томир ичи қон ивиши синдроми юзага келишининг асосий сабаби эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспериментал ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги шароитида аниқланган буйрак ва жигар тўқималаридаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар ва биокимёвий маркёрлар ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги исботланиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

6 ойлик оқ зотсиз каламушларга 50% ли глицериннинг сувли эритмаси мушак ичига юборилиб ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилгандан кейин жигар ва буйрак тузилмаларида юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларга аниқланган;

6 ойлик оқ зотсиз каламушларда Жўйзар сувининг 1 ой давомида қўлланилиши жигар ва буйрак тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг таҳлили орқали унинг органларни даволашдаги терапевтик таъсири аниқланган;

ҳомиладор аёлларда кузатилган ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги кўрсаткичларини ўрганиш орқали жигар ва буйрак фаоллигини баҳолаш мақсадида клиник-лаборатор тестларини ўрганиш асосида кутиладиган асоратларни олдини олиш механизмлари ва ҳомиладорликни олиб бориш, туғдириш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида замонавий усуллар қўлланилиб, улар бир-бирини тўлдириши,

текширув усулларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва танланган материалларнинг етарлилиги, биокимёвий маркёрлар, доплероетрик ва статистик тадқиқот усулларининг замонавийлиги, халқаро ва маҳаллий адабиётлар билан таққосланиб асосланганлиги, олинган натижалар бўйича ваколатли ташкилотларнинг хулосалари олингани ва тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот ишларининг илмий амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки ,жигар ва буйрак етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда жигар ва буйракдаги ўзгаришларни биокимёвий маркёрлари ҳамда жигар ва буйрак томирлари резистент индекси кўрсаткичларини ошиши, у билан боғлиқ асоратларни ўз вақтида баҳолаш, акушерлик соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жигар ва буйрак етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда биокимёвий маркёрлар, жигар ва буйрак томирлари резистент индекси кўрсаткичларини динамик кузатиш туғруқ ва туғруқдан кейин асоратларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.Экспериментал ўткир буйрак зарарланишида ҳомиладорлик давридаги жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг баҳолашда олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор «Жўйзар» суви 30 кун давомида қабул қилиши натижасида жигар ва буйрак тузилмаларининг морфологик ва морфометрик ўзгаришлар аниқланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/113 сон хулосаси билан тасдиқланган «Ҳомиладорликда ўткир буйрак етишмовчилиги фонида жигарнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган.Мазкур таклиф Қорақўл туманлараро перинатал марказининг 05.05.2025 йилдаги 75-сон ҳамда Андижон шаҳар 2-туғруқ комплекси бўйича буйруқ 05.05.2025 йилдаги 2/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган.Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 октябрдаги 26-сонли йиғилиш баённомаси хулосаси олинган. Ижтимоий аҳамияти: Жўйзар сувини қўллаш орқали жигар ва буйрак тузилмаларидаги патологик жараёнларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилгани, оғир асоратларнинг ривожланишини олдини олишга қаратилган профилактик ва терапевтик чора-тадбирларни такомиллаштириш имкон берган.

Жигар ва буйрак тузилмаларидаги морфометрик ўзгаришлар асосида патологик ҳолатларнинг эрта ташхисланиши даволаш самарадорлигини ошириб, шу билан бирга ҳар бир бемор учун сарфланадиган бюджет маблағларини тахминан 200 000 сўмдан иқтисодий самарадорликка эришилган;

иккинчи илмий янгилик: оқ зотсиз каламушлар жигарининг экспериментал ўткир буйрак зарарланишлари фонида кечаётган ҳомиладорликка боғлиқ ўзгаришлар, яъни жигар ҳужайралари ўрнида ёғ томчиларининг йиғилиши ва тарқалиши, компенсатор жараён юзага келиши исботланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/113 сон хулосаси билан тасдиқланган «Ҳомиладорликда ўткир буйрак етишмовчилиги фонида жигарнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қоракўл туманлараро перинатал марказининг 05.05.2025 йилдаги 75-сон ҳамда Андижон шаҳар 2-туғруқ комплекси бўйича буйруқ 05.05.2025 йилдаги 2/7 -сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 октябрдаги 26-сонли йиғилиш баённомаси хулосаси олинган. Ижтимоий самарадорлиги: экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигида жигар ва буйрак тузилмаларида юзага келадиган морфометрик ва патоморфологик ўзгариши исботланганлигини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши билан бир қаторда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир жигар ва буйрак етишмовчилигидан кейин жигар ва буйрак тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар туфайли ривожланадиган патологик ҳолатнинг эрта аниқлаш даволаш самарадорлигини оширади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигида чақирилгандан кейин 1 ой давомида Жўйзар суви билан коррекциялаш ва организм ҳимоя механизмларининг тикланиши ҳисобига жигар ва буйраклар морфометрик кўрсаткичларининг меъёрий кўрсаткичларга яқинлашиши исботланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-м/113 сон хулосаси билан тасдиқланган «Ҳомиладорликда ўткир буйрак етишмовчилиги фонида жигарнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қоракўл туманлараро перинатал марказининг 05.05.2025 йилдаги 75-

сон ҳамда Андижон шаҳар 2-туғруқ комплекси бўйича буйруқ 05.05.2025 йилдаги 2/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 октябрдаги 26-сонли йиғилиш баённомаси хулосаси олинган. Ижтимоий самарадорлиги: Жўйзар суви даволовчи таъсири аниқланиши уни қабулдан кейин эксперимент гуруҳида жигар ва буйрак морфометрик кўрсаткичларини меъёрий ҳолатга яқинлашгани, улар ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ўткир буйрак етишмовчилиги фонида Жўйзар суви билан комплекс даволаш самарадорлигини ҳамда Жўйзар суви билан даво чора-тадбирларининг жигар ва буйракларга ижобий таъсирини ўрганиш натижалари асосида даволаниш ва дори-дармонларни сотиб олиш харажатларини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилади, натижада беморларга сарфланадиган бюджет маблағлари 200 000 сўмга иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: ҳомиладорлик патологиялари асосида аёлларда юзага келган буйрак ва жигар етишмовчилигининг клиник текширув натижалари, жигар ва буйрак етишмовчилигининг экспериментал текширувлари билан қиёсий таҳлил қилинганда, ўзгаришларнинг барчаси органларда қон айланиш бузилиши ва тарқалган томир ичи қон ивиши синдроми юзага келишининг асосий сабаби эканлиги исботланган, бу бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 апрелдаги 25-т/113 сон хулосаси билан тасдиқланган «Ҳомиладорликда ўткир буйрак етишмовчилиги фонида жигарнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қоракўл туманлараро перинатал марказининг 05.05.2025 йилдаги 75-сон ҳамда Андижон шаҳар 2-туғруқ комплекси бўйича буйруқ 05.05.2025 йилдаги 2/7 -сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 октябрдаги 26-сонли йиғилиш баённомаси хулосаси олинган. ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жигар ва буйрак етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларда асоратларни ривожланишини эрта аниқлаш, адекват акушерлик тактикасини қўллаш орқали туғруқни қониқарли кечишига эришилган; иқтисодий самарадорлиги: ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларда асоратларни эрта аниқлаш ва башоратлаш, хавф омилларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга ҳамда ушбу чора тадбирлар асосида ҳар бир бемор учун 200 000сўмга иқтисодий

самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал ўткир буйрак зарарланишида ҳомиладор аёлларда жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларига оид адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида танланган диссертация мавзуси бўйича хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари таҳлил қилинган. Ўткир буйрак зарарланишида ҳомиладор аёлларда жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, хавф омиллари ва клиник кўринишлари, диагностикаси, шу жумладан инструментал ва лаборатория тадқиқот усуллари, даволаш ва олдини олишнинг замонавий ҳолати, ушбу патологияни башорат қилиш усулларига хусусиятлари тавсифи берилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал ўткир буйрак зарарланишида ҳомиладор аёлларда жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш – тадқиқотнинг методологияси ва амалий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган оқ зотсиз каламушларда ўтказилган тажрибалар орқали буйрак ва жигар тўқимасидаги ўзгаришлар ўрганилган. Тадқиқот объекти сифатида 6 ойлик экспериментал буйрак етишмовчилиги чақирилган 60 та оқ зотсиз каламушлар ҳамда 2020–2024 йилларда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат

муассасаси Бухоро филиалига мурожаат қилган 20 нафар оғир преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар, жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган 40 нафар ҳомиладор аёллар, назорат гуруҳида эса ҳомиладорлиги физиологик кечган 20 нафар аёллар ўрганилган.

Тажриба учун олинган оқ зотсиз каламушлар 3 гуруҳга ажратилди (n=60):

I–гуруҳ (назорат) –соғлом ҳолатда сақланган каламушлар (n=20).

II–гуруҳ (патологик модел) – 1–2 сутка мобайнида 50 % ли глицериннинг сувли эритмаси мушак ичига юборилиши орқали ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ) сунъий равишда чақирилган каламушлар (n=20).

III–гуруҳ (даводан кейинги) – ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилган ва кейинчалик даво мақсадида “Жўйзар” суви берилган каламушлар (n=20).

Буйрак етишмовчилигининг глицерин модели яъни G. Greven усули бўйича (Noskova A.П., 1981; Borisova И.В., Штрыголь С.Ю., 2004) яратилган. Каламушлар аввал 24 соат озуқадан маҳрум қилинди, сўнг 50% ли глицериннинг сувли эритмаси 0,8 мл/100 г дозасида мушак ичига юборилди. 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда экспериментал ўткир буйрак етишмовчилиги чақирилганидан ва 30 кун давомида Жўйзар суви берилганидан кейин жигар ва буйрак тўқимасини морфометрик ва морфологик кўрсаткичлари ўрганилди.


Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиалида 2020-2024 йиллар давомида амалга оширилган.Тадқиқотга жалб қилинган ҳомиладор аёллар 2 гуруҳга бўлиб ўрганилган: 1-гуруҳ оғир преэклампсия билан шифохонага ётқизилган ҳомиладор аёллар (n=20) ва унинг асорати сифатида тавсифланган ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган (2- гуруҳ) жами 40 нафар ҳомиладор аёллар мазкур касаллик ташхиси қўйилган беморларнинг чуқур таҳлил этилди. Асосий гуруҳни иккита кичик гуруҳга бўлиб ўрганилди. 2А-ўткир жигар етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёллар ва 2Б- ўткир буйрак етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёллар.

Умумий қон таҳлили кўрсаткичларини (эритроцитлар, тромбоцитлар, лейкоцитлар, гемоглобин, гематокрит кўрсаткичи) ўрганиш Mindray BC-5300 (Shenzhen Mindray Bio-Medical Electronics Co., Ltd. Хитой) гематологик анализатори ёрдамида клиник ва гематологик текширув талабларига мувофиқ амалга оширилди. Қоннинг биокимёвий таҳлиллари ва гемостазиологик кўрсаткичлари Бухоро вилояти перинатал маркази лабораториясида текширилди. Оғир преэклампсия билан касалланган ҳомиладорларда

кузатиладиган ўткир жигар етишмовчилигида жигар веналарининг гемодинамик кўрсаткичларини баҳолаш, шунингдек оғир преэклампсия ва ўткир буйрак етишмовчилиги билан асоратланган беморларда буйрак артерияларидаги ҳамда буйракнинг бўлаклараро артерияларидаги қон айланиш параметрларини доплерометрия усуллари ўрганилди. Оғир преэклампсия ва унинг асорати бўлган жигар ва буйрак етишмовчилигида доплерометрия текширувлари аъзолардаги ички қон айланишининг бузилиш даражасини аниқлашга хизмат қилади. Ушбу маълумотлар патологик жараённинг оғирлик даражасини баҳолаш, даволаш тактикаси ва клиник прогнозни белгилашда муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ўрганилди.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимоли (P)ни ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди.

Диссертациянинг «Оқ зотсиз ҳомиладор каламушлар жигарининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг ўткир буйрак касалликларидан кейинги ўзгаришларини ўрганиш бўйича хусусий текшириш натижалари» деб номланган учинчи боби тадқиқотда олинган натижаларга бағишланган бўлиб, 4 та кичик бобдан ташкил топган. «Ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари» деб номланган 1-кичик бобида назорат гуруҳида оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди: гепатоцитларнинг ўлчами 1 мм^2 -3 дан 1 мм^2 -7 гача ўртача 1 мм^2 -7; ядроларининг ўлчами 1 мм^2 -4 дан 1 мм^2 -8 гача ўртача 1 мм^2 -6; синусоидлар кенглиги 5 мкм дан 15 мкм гача бўлиб ўртача 10 мкм; цитоплазма ҳажми ҳар бир ҳужайра учун ўртача -210 мкм^3 дан -650 мкм^3 гача ўртача -420 мкм^3 ; митохондрия сони 1 та гепатоцитда -100 тадан -300 тагача ўртача 1 гепатоцит-200 та; жигар артерияси ўлчами 50 мкм дан 150 мкм гача бўлиб ўртача 100 мкм; портал вена диаметри 100 мкм дан 300 мкм гача бўлиб ўртача 200 мкм; билиар капиллярлар диаметри 10 мкм дан 30 мкм гача бўлиб ўртача 20 мкмни ташкил қилди.



1-расм. Назорат гуруҳига кирувчи 6 ойлик оқ зотсиз каламуш жигар тўқимасининг морфологик тузилиши. Бўёқ Г-Э. Оқ 10 x 10 об.

1. Марказий (portal) вена қон томири ва бўшлиғи ўлчамларда.
2. Гепатоцит ҳужайралари, цитоплазмаси эозинофил, ядроси базофил бўлган.
3. Синусоидлар бўшлиғи.
4. Синусоидлар деворида жойлашган Купфер ҳужайраси.

Назорат гуруҳи 6 ойлик оқ зотсиз каламушларнинг жигар тўқимасининг ўрганилди ва макроскопик жиҳатдан ҳеч қандай патологик ўзгаришлар қайд этилмади (1-расм).

Диссертациянинг «Ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигарининг анатомик ва морфологик параметрларини экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигидан кейинги реактив ўзгаришлари» номли 2-кичик бобида каламушлар жигарининг олинган морфометрик кўрсаткичларига кўра митохондриялар матрицада интрамитохондриял гранулалар йўқолиши, эндоплазматик тўрнинг цистерналари кенгайиши ва кичик пуфакчалар билан ифодаланади, ундаги рибосомалар сони камайганлиги аниқланиб, микроциркуляция тизими тузилмаларининг реакцияси кузатилди. Интерлобуляр артерияларнинг девори лимфоид ҳужайралар томонидан инфильтрация белгилари юзага келиши туфайли шиш пайдо бўлиши аниқланди. Унинг қалинлиги стандарт қийматларга нисбатан 3,8 марта ошиб, $7,39 \pm 0,3$ мкм ($p < 0,001$) ни ташкил қилди. Гепатоцитларда перенхиматоз оқсилли (гидропик ва гиалин томчили) дистрофия юзага келгани, гепатоцитлар - ядроси марказда кичрайиб базофил рангда бўлган бўлиб, цитоплазмаси турли катталиқдаги вакуолалар (томчилар) эгаллаганлиги аниқланди. Жигар бўлакчаларининг четларида жойлашган гепатоцитларнинг нотекис ёғ (томчилари) босиши - ёғли дистрофиянинг ривожланганлиги натижасида, синусоид бўшлиғи ва перисинусоид соҳада (Диссе) бўшлиғи кенгайганлиги, асосида шиш белгилари аниқланиб, юзага келган ўзгаришлар моддалар алмашинуви жараёнларига ўз таъсирини кўрсатиб, ушбу жараён суст


кечаётганлиги, икки ядроли гепатоцитларнинг сон жиҳатдан кўпайганлиги натижасида жигар фаолияти декомпенсация боскичида эканлигидан яққол далолат берди(1-жадвал).

1-жадвал

Экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигидан кейин ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигари микророморфометрик кўрсаткичлари, мкм (M±m)

Гистологик кўрсаткичлар	Мин	Мах	Ўртача
Гепатоцит	1 мм ² -3	1 мм ² -7	1 мм ² -5
Ядро	1 мм ² -4	1 мм ² -6	1 мм ² -5
Синусоидлар кенглиги	10мкм	20мкм	15мкм
Цитоплазма ҳажми	ҳар бир ҳужайра учун ўртача - 150 мкм ³	ҳар бир ҳужайра учун ўртача - 500мкм ³	ҳар бир ҳужайра учун ўртача - 325мкм ³
Митохондрия сони	1 гепатоцит-150	1 гепатоцит-350	1 гепатоцит-250
Қон томирлар диаметри			
Жигар артерияси	60мкм	160мкм	110мкм
Портал вена диаметри	120мкм	320мкм	220мкм
Билиар капиллярлар	15 мкм	35 мкм	25 мкм

Диссертациянинг «Оқ зотсиз каламушлар жигарининг экспериментал ўткир буйрак патологиялари фонида кечаётган ҳомиладорликга боғлиқ гисто-топографик хусусиятлари» номли 3-кичик бобида ўткир буйрак патологиялари фонида ҳомиладорликни кечиши ва унинг жигар фаолиятига таъсири асосида ушбу органда кечадиган гисто-патологик ўзгаришлар татқиқот гуруҳга муносиб оқ зотсиз каламушлар ўрганилиб куйидаги далиллар аниқланди. Морфологик текширишлар асосида, гепатоцитлар нурлари марказий вена томон радиал жойлашган булиб, эндотелиал ҳужайралар марказий венанинг луменларини, интерлобуляр томирларни ва дарвоза йўлининг ўт йўллари қопланишига олиб келган булиб, аммо ушбу тузилма бузилмаган ҳолатда бўлиб, синусоидларда ҳужайрали инфилтрат йўқлиги лекин портал йўлларида кичик миқдорда бўлсада инфилтратив ўзгаришлар мавжуд эди.



2-расм.Тадқиқот гуруҳига кирувчи 6 ойлик оқ зотсиз каламушнинг ўткир буйрак етишмовчилигида: Жигар тўқимасининг морфологик тузилиши. Бўёқ Г-Э. Ок 10 х 10 об.

1. Марказий вена деворининг деформацияси (склеротик ўзгаришлар), тўлақонлик ва бўшлиғининг (ўлчамларда) торайган.
2. Гепатоцит ҳужайралари эозинофил бўялган, цитоплазмасида ёғ томчилари кенг тарқалган ва рангсиз.
3. Гепатоцит ҳужайралари ядроси базафил бўялган, кариопикнозлар ҳосил бўлган.
4. Купфер ҳужайрасининг сон жиҳатдан камайган.

Диссертациянинг «Ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигарида экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигида Жўйзар сувлари билан даволаш жараёнидан сўнгги морфометрик ўзгаришларнинг қиёсий таснифи» номли 4-кичик бобида ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигаридаги экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигида Жўйзар сувлари билан коррекциядан кейинги морфометрик кўрсаткичлар қуйидагича: интерстициал артерия ўлчами $14,2 \pm 1,4$ мкм; портал венула ўлчами $38,34 \pm 1,0$ мкм, жигар венуласи $88,84 \pm 3,7$ мкм, синусоидларнинг ҳажмий зичлиги $9,37 \pm 0,8\%$; синусоидал ҳужайраларнинг ҳажм зичлиги $2,02 \pm 0,2\%$; ўт йўллари $20,62 \pm 0,8$ мкм; буйрак ҳужайраларининг ҳажм зичлиги $82,6 \pm 0,9\%$; буйрак ҳужайраларининг ядро-цитоплазматик нисбати $0,099 \pm 0,005$ ни ташкил қилди (1-жадвал).

2-жадвал

Ҳомиладор оқ зотсиз каламушлар жигаридаги экспериментал ўткир буйрак етишмовчилигида Жўйзар сувлари билан коррекциядан кейинги морфометрик кўрсаткичлар ($M \pm m$)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тадқиқот гуруҳи	Жўйзар суви билан даъво гуруҳи
интерстициал артерия, мкм	$16,15 \pm 0,3$	$20,38 \pm 0,7^{**}$	$14,2 \pm 1,4^{* \wedge \wedge}$
портал венула, мкм	$32,71 \pm 1,5$	$57,35 \pm 3,4^{**}$	$38,34 \pm 1,0^{* \wedge \wedge}$

жигар венула, мкм	62,32±0,3	124,35±5,1***	88,84±3,7**^^^
синусоидларнинг ҳажм зичлиги, %	10,64±0,3	5,6±0,2*	9,37±0,8*^
синусоидал ҳужайраларнинг ҳажм зичлиги, %	1,48±0,08	3,26±0,2**	2,02±0,2*^
ўт йўллари, мкм	20,55±0,7	18,53±0,49*	20,62±0,8*^
буйрак ҳужайраларининг ҳажм зичлиги,%	87,82±0,3	90,97±0,4*	82,6±0,9*^
буйрак ҳужайраларининг ядро-ситоплазматик нисбати.	0,102±0,003	0,093±0,005**	0,099±0,005*^^

Изоҳ: : * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001), ^ - фарқлар тадқиқот гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^ - P<0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001).

Диссертациянинг «Катастрофик акушерлик синдромларида буйрак-жигар етишмовчилигининг сабабларини башорат қилишда экспериментал тадқиқотларнинг аҳамияти»деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материал ва усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институти, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиалида 2020–2024 йиллар давомида оғир преэклампсия(1-гуруҳ) ва унинг асорати сифатида тавсифланган ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги билан асоратланган 2- гуруҳ) жами 40 нафар ҳомиладор аёллар мазкур синдром ташхиси қўйилган беморларнинг чуқур таҳлил этилди. Асосий гуруҳни иккита кичик гуруҳга бўлиб ўрганилди. 2А-ўткир жигар етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёллар ва 2Б- ўткир буйрак етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёллар ўрганилди.

Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳайвон моделларида оғир преэклампсиянинг тўлиқ клиник намоён бўлиши кузатилмайди, бироқ “преэклампсияга ўхшаш реакция”ни аниқлаш мумкин.Чунки ҳомиладорликнинг ушбу турдаги хавфли патологияси фақат юқори даражада дифференцияланган марказий асаб тизими ва вертикал тузилишга эга бўлган инсон организмига хос ҳолатдир.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, оғир преэклампсия ҳамда ўткир жигар етишмовчилиги ривожланган ҳомиладор аёлларда, ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёллар билан солиштирилганда, гемоглобин миқдори ва эритроцитлар сонининг статистик жиҳатдан ишонарли даражада камайиши аниқланди. Шу билан бирга, ранг кўрсаткичида пасайиш тенденцияси кузатилди (3-жадвал). Бундай гематологик ўзгаришлар ҳомиладор аёлларда

камқонлик (анемия) ривожланиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатади. Энг яққол ўзгаришлар 1 ва 2-группага мансуб ҳомиладор аёлларда қайд этилди.

3-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган оғир ПЭ ва ўткир жигар етишмовчилиги кузатилган ҳомиладор аёлларнинг гематологик кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=20	(1-гуруҳ) n=20	2 ^А -гуруҳ, n=20
Гемоглобин, г/л	112,5±1,42	90,22±1,01***	64±0,3***^^^
Эритроцитлар, $\times 10^{12}$ /л	3,92±0,06	2,69±0,04*	2,7±0,4*^
Лейкоцитлар, $\times 10^9$ /л	5,58±0,12	8,38±0,12**	8,18±0,14**^
Ранг кўрсаткичи	0,99±0,02	0,90±0,015*	0,89±0,016*^
ЭЧТ, мм/соат	10,38±0,66	22,5±0,87**	23,5±0,87**^
Тромбоцитлар, $\times 10^9$ /л	286,38±11,6	188,7±1,8**	188,7±1,8***^
Гематокрит, %	38,0±0,33	28,6±0,32**	28,0±0,5***^

Изоҳ: : * - фарқлар назорат маълумотларига нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$), ^ - фарқлар 2 гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (^ - $P < 0,05$, ^^ - $P < 0,001$).

Тадқиқот натижаларига кўра, тромбоцитлар сони преэклампсиянинг оғир даражаси ҳамда ўткир буйрак ва жигар етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан ишонарли равишда пасайгани аниқланди. Хусусан, бу кўрсаткич мос равишда 1,51 баробар ($p < 0,01$) ва 1,52 баробар ($p < 0,01$) камайган бўлиб, энг яққол ўзгаришлар 2-гурӯҳга киритилган ҳомиладорларда кузатилган. Шунингдек, эритроцитлар ва тромбоцитлар сонининг статистик ишонарли пасайиши гематокрит даражасининг ҳам сезиларли камайишига олиб келди. Бундай ҳолат 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 1,33 баробар ($p < 0,01$), 2-гурӯҳда эса 1,36 баробар ($p < 0,01$) камайиш билан намоён бўлди. Қисқа қилиб айтганда, оғир преэклампсия ва унинг асоратлари қон ҳужайралари кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, айниқса тромбоцитлар ва гематокрит даражаларида аниқ пасайишни келтириб чиқаради.

Гематологик таҳлил натижалари ҳомиладор аёлларда носпецифик яллиғланиш жараёни мавжудлигини тасдиқлади. Хусусан, оғир преэклампсия ҳамда ўткир буйрак ва жигар етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладорларда лейкоцитлар сони назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,50 баробар ($p < 0,01$) ва 1,47 баробар ($p < 0,01$) юқори эканлиги аниқланди. Бу ҳолат яллиғланиш жараёни фаоллашганини кўрсатадиган қўшимча гематологик белги сифатида эритроцитлар чўкиш тезлигининг (ЭЧТ) сезиларли ўсиши билан тасдиқланди – у мос равишда 2,17 баробар ($p < 0,001$) ва 2,26 баробар ($p < 0,001$) ошгани қайд этилди. Шундай қилиб, ўтказилган гематологик таҳлиллар оғир преэклампсия ва унинг асоратлари давомида

яллиғланиш реакциясининг кучайиши ва организмнинг иммун-химоя тизими фаоллигининг ортиши билан тавсифланишини кўрсатди.

Коагуляцион гемостаз тизими плазма омилларининг кетма-кет реакциялар каскади орқали амалга ошади ва учта асосий босқичда кечади. Биринчи босқични баҳолаш мақсадида актив қисман тромбопластин вақти (АҚТВ) кўрсаткичи қўлланилди. Иккинчи босқичда қоннинг ташқи ивиш йўлини тавсифловчи протромбин индекси (ПТИ) ҳамда халқаро меъёрлашган муносабат (ХММ) таҳлил қилинди. Учинчи босқичда эса фибриноген миқдори асосий баҳолаш мезони сифатида қабул қилинди (4-жадвал). Шу тариқа, гемостазнинг турли босқичларини комплекс ўрганиш қон ивиш тизимидаги функционал ўзгаришларни аниқлаш ва патогенетик механизмларни баҳолаш имконини берди.

4- жадвал

